ҲУРРИЯТ
МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

МУЛОҲАЗА

**Бу элчилик қонунларни назорат қилишга, хилма-хил фикрлар кўпайишига хизмат қилади**

# ЖУРНАЛИСТ — ЭЛЧИ, УНГА ЎЛИМ ЙЎҚ!

Миракмал МИРАЛИМОВ

> **Оммавий ахборот воситалари жамиятимизда ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айланиши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши керак.**
>
> **Ислом КАРИМОВнинг “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз” номли маърузасидан**

### ФИКРИМНИ АЙТДИМ, ХОЛОС

Вилоят телевидениесида ишлайдиган қаламкаш дўстим қизиқ воқеани гапириб берди. Бир жиноий иш судда кўрилганидан сўнг кўрсатув тайёрланиб, воқеага журналистик нуқтаи назар билдирилган. Эътибор беринг: журналист ўз нуқтаи назарини билдирган, холос. Худди депутат сайловида, ҳатто Президент сайловида ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириб овоз бергани каби.

У дастурга киритилган. Эълон қилинган. Кўрсатув бошланишидан олдин диктор чиқиб бу кўрсатув... бошқа кунга қолдирилганлигини айтган. Сабаби? Сабаби – кўп. Айтайлик, кўрсатув қайсидир оромкурси эгасига ёқмай қолган. Вассалом. Лекин «*Ҳой, барака топгур, ахир бутун бошли парламент ноибларини сайлашда, Президентни сайлашда ўз муносабатимизни билдирамиз, кимнидир сайлаймиз, демак қайси бирини танлаш – ўз ихтиёримизда, сен уларнинг ҳаммасидан аъломисанки, сенга баҳо бериш мумкин бўлмаса*» дейдиган мард топилмайди...

Кўча-кўйда, улфатчиликда дўстларим «кесак отиб қолади»:

- Менга қара, эрта тонгдан ярим тунгача ишдасан, умринг матбуот деб ўтиб кетаяпти, газетангни эса тўрт ярим минутлик ўқийдиган нарсаси йўқ, ҳеч бўлмаса «Труд»дан ўрганларинг!

Гарчанд гап менга, аниқроғи, фақат менга тегишли бўлмаса ҳам, соҳамга нисбатан айтилганлигининг ўзиёқ юракка ботади. Содда қилиб айтганда – алам қилади. Ваҳоланки, унинг айтаётгани зарда эмас, гапида жон бор. Беғараз, жони ачиганидан гапираяпти. Энг мўътабар минбарлардан туриб матбуотимиз танқидга учрай бошлагани ҳам бежиз эмас. Аксарият газеталаримиз ўта зерикарли эканлиги, оддий ахборот варақаларига айланиб қолганлиги рўйрост айтилаяпти.

Хўш, нега шундай? Айрим ўткир чиқишларни тан олмаслик мумкин эмас, лекин умуман нега ҳамон газеталаримизга анча зерикарли, тишсиз, тиғсиз, деган маломатлар ёғдирилади? Ёки энг ношуд касб эгалари журналистика факультетида тайёрланадими?

Келинг, бу масалада шошма-шошарлик билан хулоса чиқармай, журналистикамиз ҳақида фақат нуқтаи назаримизни баён этайлик. Беғараз, худди яқинда бўлиб ўтган парламент ёки Президент сайловида бўлганидек ўз овозимизни бериш, хоҳиш-иродамизни эркин билдириш каби.

### МАҚТОВ ХАВФЛИМИ? ТАНҚИД ХАВФСИЗМИ?

Эрта тонгда яп-янги, босмахона ҳиди уфуриб турган силлиққина газетани қўлингизга олганингизда уни тайёрлагунча журналист аҳли ғижимланган газета каби абгор аҳволга келишини ҳеч ўйлаганмисиз? Ошириб юбординг-ку, ошна, деманг! Ҳа, журналист меҳнати шу даражада машаққатли (ушбу мақола ҳам «Ҳуррият»га келгунгача неча марта саҳифадан «тушиб қолгани»ни гапирмай қўя қолай). Сиз мақтаган мақола гарчанд мойдек ёқаётган бўлса ҳам, осон ўқилаётган бўлса ҳам – осонликча яралгани йўқ. Гарчанд танқид бўлмаса ҳам, яхши, холис ниятда ёзилган бўлса ҳам, яхшилик билан тугашига тўла кафолат йўқ. Бугун бўлмаса эртага «мана бу мухбирингиз бемаъни одамларни мақтаб юрибди» деб ё «юмалоқ хат», ёки шикоят келади. Ана кейин бошланади...

Танқидий мақола эълон қилинган куни эса ишга чуқур-чуқур нафас олиб, бирорта юрак дори ичиб келинг. Ҳангоманинг иддаоси ўша куниёқ бошланади. Бир сонда чиққан кичкинагина битта танқид каттагина жамоанинг таъбини бир ой хуфтон қилади. Шундан кейин ҳам бирорта мухбирга танқидий материал ёзишни топшириб кўринг-чи!

Муайян ҳужжатга, воқеага, нуқтаи назарга таҳлилий ёндашув билдирилган мақола учун эртасига «доно»ликда айбланишингиз ҳеч гап эмас. Шундай экан, ким ҳам чуқур таҳлилий мақола ёзишни хушлайди дейсиз! Ана шундан кейин «доно» эмаслигингизни исботлаб кўринг-чи! Ваҳоланки, бор гап ўша: журналист ўз фикрини билдирди, холос. Ҳаммамиз бажаришимиз ва ҳурмат қилишимиз шарт бўлган Конституциямизнинг 29-моддаси берган «сўз эркинлиги» ҳуқуқидан фойдаланди. Сизнингча, бошқача бўлса: марҳамат, беринг эътирозли мақолани. Чунки Сиз ҳам шу Ватан фуқаросисиз ва шу Конституцион ҳуқуқ сизга ҳам тааллуқли. Газетхон эса - ўзи ажратиб олади.

Тўғри, газета саҳифаларида, телевидение ёки радио дастурларида «доно»лик даъво қилинадиган мақолалар ҳам кўриниб қолади ёки чиқишлар ҳам бўлади. Лекин эътибор беринг (лозим топсангиз, тарихга бир назар солиб, газета тахламларини варақлаб кўринг): у профессионал (10-15 йилдан ортиқроқ газетада ишлаётган) журналистнинг ёки янгича дунёқарашга эга бўлган, не бахтки мустабид жамиятнинг қуллик занжирлари онгини булғамаган иқтидорли ёш қаламкашнинг меҳнат маҳсули эмас.

Уларнинг бир тоифаси кечагина сиёсий қарашлари билан мутлақо мафкуранинг бошқа қутбида турган, барқарорликка путур етказиб, юзлаб одамлар жони эвазига бўлса ҳам сохта обрў орттирмоқчи бўлган таниш сардорларники. Бугун улар бир думалаб, афсунгардек «жафокаш», демократга айланиб олган. Ўзини шунчалик устомон, ақлли деб ўйлаши – майли. Бу – унинг иши. Лекин атрофдагилар – мендан аҳмоқ, кечаги кунни унутиб юборди, дейиши – алам қилади.

Иккинчи тоифаси эса биринчисидан кескин фарқ қилмайди, болалигидан баландликдан қўрқишига қарамай беандишаларча юқорига интилаётган ва азалдан (албатта, бу гал ҳам) ғиж-ғиж «цитата» ва ярим бетлаб «сноскалар» билан бошлаб шу аснода тугатадиган муаллифларники бўлади. Муҳаррир (журналист) ҳам ушбу мақолани чиқаришга жуда мойил эмас, худо ҳаққи, мойил эмас! Лекин суяги «сноскалар» ва «цитата»лар билан қотган, ва ҳар қандай глобал хатоларини устомонлик билан «гипноз»лар бўйнига ағдариб қўя оладиган шоввознинг мақоласини қайтариб кўрсин-чи!..

Эҳ, шўринг қурғур муҳаррир.

### ЖУРНАЛИСТ НИМА ДЕМОҚЧИ?

Журналист газета саҳифасини тўлдириш учунгина мақола ёзмайди. Бу – аниқ. Чунки у – журналист. Унинг – қалби бор. Акс ҳолда – у журналист эмас. Акс ҳолда у қорнини тўйғазиб юрадиган бошқа юмуш топиб, журналистикани аллақачон ташлаб кетарди. Ишонмасангиз – атрофга боқинг. Бундайлар ҳаётда талайгина. Асл журналист – қалби борлиги учун лоқайд туролмайди. Яхшиликни кўрса – қувончи ичига сиғмай унинг яхшилигини ўртоқлашади, ёмонликни кўрса – бу ҳолдан рози эмаслигини билдиради. Шу тарзда мақола бунёдга келади, кўрсатув ёки эшиттириш тайёрланади. Журналист ўз ижоди маҳсули орқали ҳаммани қандай яшамоқликка ўргатишга, ҳаёт китобини яратишга интилмайди. Бунга ҳожат ҳам йўқ. Мақола орқали журналист у ёки бу шахс, у ёки бу соҳа мутасаддисининг Оллоҳ ато этган ақли илғамаган ёки илғашга улгурмаган ютуқлари ёки қусурларини эслатиб қўяди, холос.

Афлотун эмасмиз, ҳамма ютуқ ва камчиликларни англаб улгурмаймиз. Редакцияга келадиган хатлар оқими журналистни сергак торттиради, муайян илғор тажрибани ўрганишга ундайди. Ва пировард натижада – мақола бунёд бўлади. Яна бир туркум хатлар эса камчиликларни, муаммоларни кўрсатиб қўяди ва пировард натижада мақола бўлиб юз кўрсатади. Хулоса шуки, мақола – қайноқ ҳаёт ичидан келган хатлардаги фикрларнинг мужассам баёни, холос. Журналистнинг ундаги иштироки – фикрларнинг ҳаётдаги тасдиғини ўз кўзи билан кўрганлигидан гувоҳлик беришдир. Вассалом.

Журналистнинг мақоладан кўзлаган мақсади нима? Хатлардаги эътирозлар ўринли, ўз кўзим билан кўрдим демоқчи, холос. Элчилик қилаяпти, холос. Ўзбекда «Элчига ўлим йўқ!» деган ҳикмат бор. Шундай экан, мақтов ёки танқид учун ундан ўпкалаш тўғри бўлармикан?

### РОСТМАНАСИГА КЕЛАЖАКНИНГ МЕВАСИМИ?

Умуман, қайси соҳани ва кимларни танқид қилиш мумкин?

Кулгили савол, тўғри эмасми? Лекин яхшилаб кулиб олинг-да, сўнг жавоб изланг... Ана энди саволдан эмас, ўзингизнинг жавобингиздан қаҳқаҳа урсангиз арзийди.

Киноясиз гапирадиган бўлсак – ҳамма тан олган ғирт ўғрини ҳеч қачон «ўғри» деб бўлмайди - ҳали суд қарори чиқмаган, бундай баҳони фақат ва фақат суд бериши мумкин; «чайқовчи» деб сўкиб бўлмайди, чунки чайқовчилик учун жавобгарлик деган тушунчанинг ўзи айблов ҳужжатларимизда йўқ; судьянинг ишига аралашиб бўлмайди – қонунда шундай дейилган... Хуллас, қонунда (ва ёзилмаган қонунда) дахлсизлиги тан олинган шахслар талайгина. Бундай қоидаларга эътироз билдириш – бемаънилик. Шундай дейилган – вассалом!

Булар-ку, майли. Лекин ҳатто етти синф маълумоти бор муайян шахсларга ҳам тегиб бўлмайди: мақола бошида айтилганидек, кўрсатув ҳам, мақола ҳам тўхтаб қолиши, юлдуз кўрмай жон бериши мумкин. Ваҳоланки, беайб ёлғиз Парвардигор, деган ибратли ўзбек ҳикмати бор. Биз эса танқид қила олмаймиз.

Қаранг, қандай маза! Танқид қиладиган соҳанинг ўзи йўқ. Ҳамма соҳада ишлар зўр-да! Бас шундай экан, танқид чиқмасин. Акс ҳолда ака-укачиликни йиғиштириб қўямиз: пўм!

Спорт журналистикасида тузуккина қалам тебратиб келаётган мухбир Японияга йўл олаётган ижодкорлар рўйхатидан бир кунда тушиб қолиши ҳам, марказдан уй олаётган газетачининг ҳужжатларидан хато топилиши ва у яна ётоқхонада яшаши ҳам, қотилликда нотўғри айбланиб қамалган шахсни ёқлаб қутқарган ва кўп ўтмай порахўрликда айбланиб ўзи қамалиб қолгани ҳам ва бошқа кўпгина воқеалар ҳам ана шу «пўм» оқибати эмасми?

Ахир танқид - келажакнинг меваси эди-ку!

### МАРҲАМАТ, ТАНҚИД ҚИЛИНГ

Журналистикада мавжуд бўлган касаллик – кўр-кўрона танқидчиликдан Худонинг ўзи асрасин. Матбуотимиз бу хасталикдан холи эканлигидан шодмиз. Лекин бу ҳол аста-секин «танқид қилмаслик» ёки оғизга тушган гапни ҳам ёзмаслик касалига айлана бошласа...

Ўзимиздаги энг қизиқ воқеаларни, ёки шов-шувга йўл қўймаслик учун зарур бўлган ахборотни ўзга манбалардан олишимиз – алам қилар экан. Айтайлик, нега Келесдаги машъум воқеани ва бу Тошкент туманида ўрнашиб олган газандалар иши эканлигини «Халқ сўзи»дан эмас, «Труд»дан ўқишимиз керак? Яқинда Олег Якубовнинг Тошкентдаги феврал воқеаларига бағишланган «Волчья стая» китоби кўпчилик томонидан қизиқиш билан ўқиб чиқилди. Шахсан ўзим ҳузур қилиб ўқиб чиқдим, ҳамкасбларим билан бажонидил ўзбек тилига ўгириб, бу китобнинг таржимон-муҳаррирларидан бири бўлиб қолишимдан қувондим. Лекин (*Олег ўзимнинг дўстим, у мени тушунади*) нега энди Ўзбекистондаги воқеаларни хориждан Олег келиб ёзиб бериши керак? Нима, шуни ўзимизда боплаб ёзадиган журналист йўқми?

Гап биргина шу китоб ҳақида эмас. Ақлли одам ўзи тушунади. Айтмоқчи бўлганим – маҳаллий қаламкашлар ёзганида шунчалик материаллардан фойдалана олармиди? Уларга ҳам лоақал шу даражада лутф кўрсатилармиди? Бу ўринда муайян бир шахсдан нолиш фикридан йироқман. Назаримда, бизни катта қилган мустабид жамиятнинг қон-қонимизга, шууримизга сингиб кетган “қуллик” генларидан қутулишимиз қийин бўлаяпти, холос. Ҳар бир нуқтаи назарга, матбуотдаги чиқишларга қирқ йиллик линейка ўлчовини қўйиб ўлчаш ва ҳамон эски қайчи билан қайчилаш халақит бераяпти. Хуллас, бу аҳвол юзага келишига ҳам бизнинг журналистларимиз лоқайдлиги сабаб, десак адолатдан бўлмайди. Агар ким шундай деб ўйлаётган бўлса, у қаламкашларимизга адолатсизлик қилмоқда. Ана шу ўринда лоқайдлик эмас, муносабат хусусида, қирқ йиллик линейка ва қайчи хусусида фикрлашиш жоиздир.

### ҚИРҚ ЙИЛЛИК ЛИНЕЙКА ВА ҚАЙЧИ

Тузукроқ амалдор олдига «Халқ сўзи» ёки «Ҳуррият» мухбири, ёхуд Эшматов ёки Тошматов келиб ҳал этилиши лозим муаммоли масалада ёки қалтисроқ, нозикроқ бир мавзуда мақола ёки китоб тайёрлаётганини айтди, дейлик. Хўш, ўша амалдор (гап саккизта қассоби бўлган кушхона ҳақида бўлса ҳам) мухбирни қабул қилиб, унга керакли фактларни берадими? Лоақал ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашадими?

99 фоиз ҳолатда йўқ. Лекин баҳонанинг зўрини ҳам топиб олади: «ортиқча шов-шув одамлар ўртасида норозиликни келтириб чиқаради. Барқарорликка путур етказади. Ва ниҳоят: **ўлкамиздаги** камчиликларни очиб, ўзимизни шарманда қилиш...»

Лўттибозликни қаранг! У қилган хато нафақат сизники ва меники, ҳатто **ўлкамизникига** айланди...

Олти кун Олмонияда бўлдик. Тилини – тушунмаймиз. Олти кун телевидение орқали бир хил ахборот кўп қайтарилди: жажжигина «Мерседес» автомобили бурилишларда ҳар гал ағдарилиб кетаверади. Қаерда бўлмайлик – меҳмонхонадами, қаҳвахонадами ёки автосалонда – ҳамма шуни томоша қилаяпти. Нималигини сира тушунмаймиз. Кейин немис дўстларимизнинг ўзи тушунтириб берди: сўнгги моделдаги митти «Мерседес»нинг шундай «туғма касали» бор экан.

Эътибор беринг: бутун дунёда ўз «Мерседес»и билан фахрланадиган немисларнинг ўзи... «Мерседес»ни танқид қилаяпти. Яшавор! Ўзбекчасига айтганда – ўзининг орқасини ўзи очаяпти!(?!) (Мана бу ҳақиқий ўзбекча ёндашув бўлди). Айтайлик, кушхона бошлиғи ҳам шундай демоқчи эди.

Аслида-чи?

Аслида – еттинчи куни Франкфурт аэропортида Тошкентга жўнашга ҳозирлана туриб, яна бояги ахборотга кўзимиз тушиб қолди: митти «Мерседес» шиддат билан юришига қарамай, худди ўша бурилишларда... ағанамасди.

Немислар – ниятига етганди. Ўз «Мерседес»ини бир йўла олтита каналда ҳар куни танқид қилишининг сабаби эса: бутун бошли компанияни, немисларнинг асрлик ғурурини битта «тиррақи бузоқ» булғашини хоҳламаган эди.

Бизда-чи? Биз шундай қиламизми? Биз деганда агар рамзий тарзда журналистлар тушунилса, - қила оламиз, Германия телевидениеси ижодкорлари каби, Олег Якубов даражасида. Ёза оламиз, «Труд»даги ҳамкасблар каби. Лекин уни қабул қилиш, муносабат, англаш яна – ўзимизникича, ўзбекона бўлиб қолмаслигига ким кафолат беради?(?!). Биз – кушхона бошлиғи айтганидек - ўлкамиз ҳаётига, иқтисодига путур етказишга ҳаракат қилаётган бузғунчи бўлиб қолмаймизми? Мавзуга қараб (соғлиқни сақлаш, маъмурий органлар ва ҳ.к.) шу соҳанинг мутасадди раҳбари мақолани шундай (ёки кушхоначидек) талқин қилмайдими? Бўлиши мумкин. Лекин яна ўша гап: барака топкур, агар шу фактнинг ошкор этилиши республика ҳаётига, иқтисодига путур етказишини билиб, писиб юрган бўлсанг сенинг ўзингни зудлик билан замбарак оғзига боғлаш керакдир?!

### МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИЛТИМОСИ УСТУВОРМИ ЁКИ ҚОНУН?

Шўро давридаги воқелигимизни бугун латифа қилиб айтиб юриш мумкин. Лоақал гўшт қимматлашган 60-йилларни эслайлик. «Кўпчилик меҳнаткашларнинг илтимосига биноан» шундай қилинаётганлиги телеведение ва радиода, газета ва журналларда беандишаларча эълон қилинганди. Ажаб, кўпчилик деганда яна ўша «болшавой»лар назарда тутилган бўлса керак-да! Қолган юзлаб миллион «камчилик» ва қонун – бир пақирга ҳам олинмаганди. Гуллаётган социализм учун қонун наҳотки шу даражада беқадр эди? Ахир фашизм гуркираб турган паллада ҳам Германияда суд қилинган Георгий Димитров бўйнига Рейхстагга ўт қўйишдек тавқи лаънат қўя олинмаган ва бунинг сабаби ўша пайтдаги кўпчиликнинг хоҳиши эмас, қонун йўл қўймагани эмасми? Биз эса фашизмдан ҳам, гуллаётган социализмдан ҳам бирдек қўрқишимиз кераклигини хаёлимизга ҳам келтирмадик. Аслида иккисидан ҳам бирдек қўрқиш керак эди. Биз эса фақат биттасини «олабўжи»га айлантирдик.

Швейцарияда Россия фуқароси Михайлов (ёки Михас) устидан жиноий иш қўзғалди. Ҳали суд бўлмай туриб, у ашаддий жиноятчи деб жар солинди, жамоатчилик фикри шу тарзда шакллантириб берилди. Ва энг муҳими, яна ўша кўпчилик - ҳукм жуда қатъий бўлишини кутди (ва хоҳлади ҳам), Эҳтимол шундай бўлиши керак эди ҳам. Лекин қонун устуворлиги яна ўз қудратини кўрсатди: унинг айби судда исботлаб берила олинмади, яна қайтараман – исботлаб берила олинмади ва Михайлов суд залидан тўғри Россияга жўнаб кетди.

Олий Мажлис сессияларида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов қонун устуворлигига эришиш муқаддас мақсад қилиб олинганлигини ҳар гал куюнчаклик билан гапиришдан толмайди. Шундай қилайликки, *ҳокимиятдаги ҳар қандай ўзгаришлар тузумнинг барқарор ишлашига салбий таъсир ўтказа олмасин, Конституция, қонун ҳар нарсадан устувор бўлсин, дея дилдан куюниб таъкидлайди, энг кўзга кўринган вазифада ўтирган шахсларнинг ҳам субъектив хоҳиш-истагига қарам бўлмасдан, жамиятнинг олға силжишига халақит бераётган эски асоратларни бартараф этишга қурби етадиган самарали тизимни вужудга келтиришни орзу қилади.* Қолаверса, биз сал кам тўққиз йилдан бери қадам-бақадам шу манзил томон бормоқдамиз. Тарих, тараққиёт ғилдираги орқага қайтмаслиги – аксиома. Бас шундай экан, биз ўша кунларга етамиз. Эртага бўлмаса – индинга, индинга бўлмаса, бир йил, беш йил, ўн йилда шундай иқтидорли авлод етишиб чиқадики, у эълон қилинган кўрсатув олиб қолинишига йўл қўймайди, «жафокаш» кимлигини шартта айтишни беандишаликка йўймайди, мақтов ёки танқид – энг оддий плюрализм кўринишлари эканлигини англайди, қирқ йиллик қайчи ва линейкани тарих музейига шартта топшириб юборади ва кушхона раҳбарининг фикрини фақат чуқур ачиниш билан (тентак экан, бечора деб) эшитади.

Биз шундай буюк келажак бўсағасида интиқлик билан яшаяпмиз. Зеро, ҳозирнинг ўзида ана шундай фикрловчилар оз эмаслиги бетоқат кўнгилга таскин беради.

---

СУҲБАТ

# НИЯТГА ЯРАША ҲАРАКАТ

***Ўтган йилги ишлар сарҳисоб қилиниб, янги йил тадбирлари режалаштириб олинадиган кунларда яшаяпмиз. Шу маънода Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Бош директори Аббос Алимбоевга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.***

**- Аббос Аҳмедович, жамғарманинг ташкил топганига ҳам, мана, 3 йилдан ошди. Маълумки, жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларидан бири – матбуотни моддий қўллаб-қувватлашдан иборат. Шундай экан, ўтган вақт давомида жамғарма томонидан қандай ишлар амалга оширилди?**

- Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган жамғармамиз 3 йилдан ошиқроқ вақт мобайнида ҳам иқтисодий, ҳам ижодий йўналишда талайгина ишларни амалга оширди. Жумладан, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турли хайрия тадбирлари, Республика танловлари, журналистларга кўрсатиладиган моддий ёрдамлар, газета ва журнал таҳририятлари ҳамда вилоят бўлимларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар учун жами 60 млн. сўм маблағ сарфланди.

Шунингдек, жамғарма томонидан ижодий йўналишда турли танловлар, бугунги долзарб мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар, семинар-кенгашлар, конференциялар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Мана, 2 йилдан буён Республика Олий хўжалик суди билан ҳамкорликда давомли ўқув-семинарлар ҳамда “Ҳуқуқ ва бурч” танловининг ўтказилиши журналистларимизнинг касб маҳоратини ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, танлов маълум маънода журналистларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Жамғармамиз қошида 3 йил давомида 10 дан ортиқ шўъба корхоналари ташкил этилган бўлиб, уларнинг фаолияти турлича. Яъни улар мебель, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа тижорат ишлари билан шуғулланишади.

**- Демак, жамғарманинг моддий асосини мустаҳкамлашда шўъба корхоналарининг ҳам ҳиссалари бор, шундайми?**

- Шак-шубҳасиз. Жамғарма қошида 14 та шўъба корхона, 1 та қўшимча корхона, “Илҳом ва аср” ўқув маркази ҳамда “Журналист” ижодий маркази фаолият кўрсатмоқда. “Илҳом ва аср” ҳамда “Журналист” марказлари журналистларни компьютерга ўқитиб, уларнинг касбий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар, тадбирлар уюштирмоқда.

Бундан ташқари, жамғарма ҳар бир вилоятда ўз бўлимларига эга.

Албатта, ҳар бир бўлим зиммасидаги вазифаларни аъло даражада адо этаяпти, деб айтолмаймиз. Чунки ҳозирги вақтда иқтисодий қийинчиликни бошидан кечираётган бўлимларимиз ҳам бор. Жамғарма шу вақтгача вилоят бўлимларини ёнилғи ва газета қоғози билан мунтазам таъминлаб келмоқда. Қорақалпоғистон, Хоразм, Наманган, Сирдарё вилоят ҳамда Тошкент шаҳар бўлимларига жамғарма томонидан автомашиналар ажратилган. Оқсаётган Навоий, Самарқанд, Қорақалпоғистон бўлимларига молиявий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент шаҳар, Хоразм, Қорақалпоғистон бўлимлари ҳам молиявий қўллаб-қувватланмоқда. Хуллас, бўлимларимиз жамғарма бошқаруви томонидан берилган ҳам иқтисодий, ҳам ижодий тавсиянома, дастурлар асосида фаолият юритмоқда.

**- Жамғарма томонидан ҳар йили “Энг улуғ, энг азиз”, “Йилнинг энг яхши журналисти”, “Наврўз – боқий байрам” каби танловларни ўтказиш одат тусига кирган. Республикамиз журналистларининг ушбу танловларга зўр қизиқиш билан иштирок этишлари ҳам ҳеч кимга сир эмас. Айтинг-чи, 2000 йилда бу танловларнинг сони ошдими, ё камайдими?**

- Ўзингизга маълум, 1997 йилгача танловларнинг сони 2 тагина эди, холос. Ҳозирги кунда уларнинг сони 7 тага етди. Юқорида айтганимдек, журналистларимизга ҳам моддий, ҳам маънавий мадад берувчи танловларимиз сонини камайтириш ниятимиз йўқ. Чунки, бу танловларда ҳар йили Республикамизнинг энг моҳир ва ўткир қаламкашлари иштирок этадилар. Ватанимиз равнақи, мустақиллигимиз тақдири учун жон куйдириб ижод қилаётган бундай фидойиларимизни қандай қилиб четлаб ўтиш мумкин?.. Бугунги кунда ҳақиқий, фидойи журналистларгина таҳририятларда хизмат қилишмоқда.

Бу йил танловларимиз сонини яна биттага оширдик. Соғлом авлод йилига бағишлаб, мактаб ўқувчилари учун “Келажак қалдирғочлари” танловини ўтказамиз. Унда республикамизнинг 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган истеъдодли ижодкор ўқувчилари қатнашишлари мумкин.

**- Жамғарма томонидан танловлардан ташқари ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида қандай қўшимча тадбирлар ўтказилди ёки ўтказилиши режалаштирилган?**

- Саволингиз жуда ўринли бўлди. Жамғарма 1999 йил охирида “Чодир хаёл” болалар ва ўсмирлар нафис санъат маркази, ЎзТВ ва Б.Зокиров жамғармаси томонидан мустақиллигимизнинг 8 йиллиги муносабати билан ташкиллаштирилган “Юлдузча” болалар замонавий қўшиғи танловига муассислик қилди.

Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги муносабати билан Шайхонтаҳур тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйларини ўтказишда ўз ҳиссамизни қўшдик, яъни жамғарма ҳар бир бола учун энг юқори фоизли омонат кассасида 2100 сўмдан пул қўйиб, уларга ҳисоб рақами очди. Келгусида ҳам бундай хайрли тадбирларни ўтказиш ниятимиз бор.

**- Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги “2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори бўйича қандай ишлар амалга оширилди?**

- Мазкур қарордан келиб чиқиб, тайёрланган режа бўйича шу йил январ ойининг бошида кекса журналистларга жамғарма томонидан 90 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, жамғарма томонидан ҳар йили Хотира ва Қадрлаш кунида фахрий ва кекса журналистларни дастурхон атрофига йиғиб, моддий рағбатлантириш анъанага айланган. Умуман жорий йил мобайнида кекса журналистларимизни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ажратган умумий маблағимиз 500000 сўмни ташкил этади.

**- Келгусидаги режалар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

- Ижодий йўналишда 2000 йилга мўлжалланган иш режаси тайёрланиб, тасдиқланган. Иқтисодий йўналишда ҳам ҳар қачонгидан унумлироқ фаолият юритиш ҳаракатидамиз. Шу йилнинг бошидаёқ турли тадбирларни ўтказиш ва газета-журнал таҳририятларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун қарийб 10 млн. сўм сарфланди.

Бизнинг бош мақсадимиз ҳам иқтисодий, ҳам ижодий соҳада давр талаблари асосида фаолият кўрсатиб, оммавий ахборот воситаларининг том маънодаги “Тўртинчи ҳокимият” сифатида шаклланишига ўз ҳиссамизни қўшишдир. Зеро, Юртбошимизнинг бизга, ОАВга қўяётган талаблари ҳам шундай.

Албатта, ҳар қандай фаолиятнинг ривожи иқтисодий барқарорликка боғлиқ. Биз ҳам ўз фаолиятимизни янада кучайтириш учун баҳоли қудрат ҳаракат қилаяпмиз. Шу ўринда давлат идоралари ва ташкилотлари биздан ўз ёрдамларини аямасалар, нур устига нур бўлишини таъкидлашни истар эдим.

---

МАКТУБЛАР

# ОДАМЛАРНИНГ ИШОНГАН ЖОЙИ – ГАЗЕТА

Хушхабардан кўра шумхабар тез тарқайди. Одамларнинг қулоғи динг бўлади. Яхши ниятли кишилар яхши ният қилсалар, ёмон ниятни кўнглида илондек асраб юрганлар...

Худди шундай ҳолат юз берганига, мана, бугун роппа-роса бир йил тўлди. Ўшанда автобусда бораётган эдик, тўсатдан бири-биридан ваҳимали миш-мишлар тарқади. Кўпчилик эркагу аёл бир овоздан, “Юртимизни, юртбошимизни яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрайди” дея астойдил илтижо қилдилар.

Ҳаммаси кейин, ўша машъум 16 февралдан кейин очилди...

Водий вилоятлари бўйича махсус мухбиримиз **Маъмур МУСУЛМОНОВ** шу сўзлар ва хотиралар билан бошлаган лавҳасида кўз ўнгимизда улғайган, ўйнабкулиб юрган фарзандларимизнинг айримлари тўғри ва соғлом йўлдан оғиб кетганларига ачиниб ёзади, бундай ҳолнинг асл сабабларини очиб ташлашга уринади.

Муаллиф одамларни, қолаверса, бевосита шу иш билан шуғулланадиган мутасаддиларни ҳушёрликка чақирмоқда ва тўғри қилмоқда.

Андижон давлат университетининг катта ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси **Абдумухтор ҒУЛОМОВ**нинг мақоласи ҳам долзарб мавзуда. Яъни, яхши ота-оналардан ёмон болалар туғилиши мумкинми? Мумкин бўлса, нега шундай бўлади, бунинг сабаблари нимада?

Сариосиёлик фаол мухбиримиз **Камолиддин МИНГБОЕВ** “Сариосиё ҳақиқати” газетасини 30-йилларнинг бошларида ташкил этишда жонбозлик кўрсатган, зиёли ва маърифатли инсон бўлгани учун ҳам...шахсга сиғиниш даврининг жабрдийдаларидан бирига айланган Музаффар Маҳмудхоновни илиқ бир самимият билан ёдга олади. Тиниб-тинчимас мухбир бошқа бир хатида “Одамларнинг ишонган жойи газета бўлиб қолди” деб ёзади.

Нима, бу, яхшими-ёмонми? Саволга жавоб қайтаришнинг мавриди эмас, шундай бўлса-да, биз журналистлар бир нарсадан мамнун бўлишга ҳақлимиз: халқ газетага, матбуотга ишонади! Ана шу ишончдан бегона қилмасин, Ўзи!

Ишонибдики, мана, биз ҳам даста-даста мактубларни сара-сара қилиб ўқиб ўтирибмиз, уларнинг барини газетамиз саҳифаларига сиғдиролмай, улардан иқтибослар келтиряпмиз.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида яшовчи **Маҳкам МАМАДАЛИЕВ** йўллаган хат кўпчиликни бефарқ қолдирмайди деган умиддамиз.

“Янги йил арафасида кунботар вақтида Шифокорлар шаҳарчаси қаршисидан ўтадиган Қорақамиш ташланмасида ўлик балиқлар оқиб ўтди. 10-15 минутгача каттакичик балиқлар оқими тўхтамади. Бу билан она табиатга жароҳат етказилди, зулм қилинди. Балои нафсини қондириш йўлида ҳар қандай разилликдан қайтмайдиган, хлор ёки кучли таъсир этувчи заҳарли химикатлар билан балиқ овловчиларнинг мудҳиш ишларидан бири...”

Фарғона вилояти Ёзёвон туманидан доимий мухлисимиз **Нурмат ҲАЙДАРОВ** ҳажвий шеърий намуналарни раво кўрганлар бизга.

“Ҳуррият”нинг янги йил арафасидаги сонида таниқли адиб Саъдулла Сиёев “Кавакдан - овоз” мақоласида Қашқадарёнинг Қамаши туманидан айрим ҳажвчи ижодкорлар телеминиатюрачилар шаънига туҳмат тоши отиб мактуб йўллаганини ёзган эди. Эътиборни қарангки, қамашилик ўндан ортиқ қаламкаш биродарларимиз зудлик билан мақолага жавоб тариқасида Саъдулла акага хат йўллашди. Гулшаний номидаги адабий уюшма аъзолари “Кавакдан – овоз”нинг ёзилишига қандайдир ҳасадчининг ўзгалар номидан жўнатган “юмалоқ” хати сабаб бўлган дея хулоса чиқаришган.

“Бизнинг сиз олдингизда юзимиз ойдин, қалбимиз тоза. Келинг, азиз меҳмонимиз бўлинг”, деб тугалланади мактуб.

Инсон кўнглини нурафшон қиладиган мана шундай самимий мактублар қаторида ҳасрат-надоматга тўла арз-додлар ҳам келадики, уларни ўқиб ўйга толасан киши. “1998 йил 29 декабрь куни соат тунги 4 00 да Ҳазорасп тумани прокуратураси ходимлари, ИИБ ходимлари менинг Олмазор кўчаси 101-уйимни ғайриқонуний равишда тинтув қилдилар. Ўзларича акт ёзишди, лекин актдан нусха бермадилар, тинтув қилиш ҳақида ордерни ҳам кўрсатмадилар. Уйимдан қуйидаги буюмлар шу куни йўқолди...” – деб ёзибди Ҳазораспдан II гуруҳ меҳнат ногирони **Дармон СУЛТОНОВА**.

Бундай қонунсизлик ҳеч қаерда ва ҳеч ким томонидан оқланмайди. Хоразм вилоятидаги, қолаверса, Республика миқёсидаги тегишли идора масъуллари ҳам мазкур ишга адолатли ойдинлик киритадилар деган умиддамиз.

Шунингдек, таҳририятимизга йўлланган бир мактубда Қашқадарё вилоятидан Муҳаббат Холова “Пўлат Гадоев нега қамалди?” номли мақолага журналистнинг рафиқаси сифатида фикр билдириб, эрининг қадр-қимматини тиклашда яқиндан кўмак берган “Ҳуррият”чиларга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдирган.

Бизга мактуб йўллаган **Т.Ашуров**/Бухоро/, **Қ.Давлатов**/Хоразм/ларга ҳам ташаккур билдирамиз.

**ТАҲРИРИЯТ**

**— Катта, яна газетга семиртириб шикоят ёзишибди**



**Ҳурматли “Ҳуррият” газетаси ходимлари!**

Газетангизнинг 2000 йил 2 февраль сонида босилган “Коммуна” “Намуна”га айланди” номли мақолани ўқиб, биз — Маданият қишлоғи фуқаролари хурсанд бўлдик. Минг шукрлар бўлсинки, бизнинг арз-додимизга ҳам етадиганлар бор экан. Гарчи мақолада жамоа хўжалиги раиси билан алоқадор 3-4 тагина ҳолат юзасидан фикр-мулоҳазалар келтирилган бўлса-да, ҳақиқий аҳвол ундан ҳам бадтар. Газетангизга раҳмат, биз фуқароларнинг шикояти асосида чиқиш қилибсизлар. Энди, ўйлаймизки, вилоятимиз ва туманимиз раҳбарлари жамоа хўжалигимизга жиддийроқ эътибор билан қарашади ва адолатсизликларнинг нуқта қўйилишига сабаб бўлишади.

Сизларга чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан

**Маданият қишлоғи фуқаролари (жами 73 та имзо)**

***Юқорида номи тилга олинган мақола чоп этилганига ҳали унча кўп вақт бўлганича йўқ. Бироқ таҳририятимизга аллақачон миннатдорчилик мактуби етиб келди. Унинг ҳажми ҳам, остига имзо чеккан кишиларнинг сони ҳам оз эмас, нақ 73 киши.***

***“Коммуна” “Намуна”га айланди” сарлавҳали мақола сўнгида масалага ойдинлик киритишни Андижон вилояти ва Пахтаобод туманидаги раҳбарларга қўйиб бергандик. Зеро, мазкур мақола билан чиқишимизнинг мақсади ҳам шу эди. Энди юқоридаги мактубни босишимизнинг сабаби эса, намуналик кўп сонли фуқароларнинг таҳририятимизга билдирган ишончи бўлди, умид билан хат битишибди... Истаймизки, бу ишонч ҳеч қачон одамларимиз қалбидан сўнмасин!***

МАҒРИБУ МАШРИҚ
INTERNATIONAL LIFE

ТАҚДИМОТ

# Ўзбекистон-АҚШ: ҳарбий ҳамкорлик ривожланмоқда

Ўтган куни АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Жозеф Пресел ўзбек ҳукуматига нархи 2,65 миллион долларни ташкил этадиган кўпмақсадли 16 та автомобилдан 13тасини тақдим этди. Машиналарни Тошкентнинг Халқаро аэропортига АҚШнинг С-5 ВВС русумли юк самолёти етказиб берди.



Мазкур транспорт АҚШ ҳукуматининг Ўзбекистонга грант орқали бераётган ҳарбий техникаси ҳисобланади. Қолган уч машина ҳам шу ойнинг сўнгига қадар олиниши кўзда тутиляпти. Ушбу транспорт универсал бўлиб АҚШ Қуролли кучларида кенг фойдаланилади. У энли ғилдиракка асосланган тўрт етакчи ғилдиракли бўлиб, улар юриш қийин кечадиган жойларда асқотади. Машина йигирма кишига мўлжалланган, шунингдек унда юк ташиш имконияти ҳам мавжуд.





Унга дизель ёқилғиси ҳам, бензин ҳам бирдек ишлатилади. АҚШ Қуролли кучларида бу транспортдан кишиларни ташишда, сифатли тиббий тез ёрдам кўрсатишда, шунингдек, жанговар машина сифатида фойдаланилади.

Бундай машиналарни НАТО кучлари билан мамлакатимиз ҳамкорлигини ривожлантириш ва Қуролли кучларимиз сафарбарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Тақдимот маросимида АҚШ мудофаа хавфсизлиги масалалари бўйича ҳамкорлик Агентлигининг директор муовини, полковник Жорж Моусли қатнашди.

ОШКОРА

# "ДЕМОКРАТИЯ ОРОЛИ"ДА "ДЕМОКРАТИК" ЗИДДИЯТЛАР

## Қирғизистонда сайлов: номзодлар устидан суд бошланди

Ўткир ҚИЛИЧЕВ

Йигирма биринчи аср бўсағасида кўплаб давлатларда сиёсий жараёнлар кузатилмоқда. Мақсад – янги асрга янги қараш, янги фикр, янги тафаккур билан кириш иштиёқидир.

Бу ўринда кўплаб давлатларда парламент сайловлари бўлиб ўтмоқда. Сайловлар муқобиллик, демократик тамойиллар асосида ўтиши юзасидан гўё мусобақа бошлангандек. Ҳалолликда, эркинликда бир-биридан ўтаман, дейди улар.

Қирғизистон ана шундай сайлов ўтказиш тараддудида. Бу давлат раҳбари ҳам бизда сайловлар демократиянинг барча тамойиллари асосида ўтади, деб гапирмоқда. Аслидачи? Оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга кўра, мамлакатда ҳозирнинг ўзидаёқ демократияга зид равишда партия ва улар номзодларини рўйхатга олмаслик ҳоллари кўзга ташланмоқда.

Қирғизистонда мамлакат парламентига сайловлар 20 февралга белгиланган. Сайловларда адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган 27 та партиядан 13 таси билан бир қаторда кўп сонли мустақил номзодлар ҳам иштирок этади. Сайловчилар сони эса икки миллион кишини ташкил этади.

"Демократия ороли" деб аталувчи мамлакатда сайловларнинг ҳалол, демократик асосда ва ошкора тарзда ўтишига ишонган кўплаб сиёсий экспертлар бугунга келиб ўзларининг бу гапларига шубҳаланиб қарамоқдалар. Хусусан, ЕХҲТнинг Қирғизистондаги вакиллиги мамлакатда ўтадиган сайловларда сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари поймол этилаётгани, чегараланаётганидан хавотирга тушмоқда. Вакилликнинг тарқатган ҳужжатида, "Қирғизистон демократик ҳаракат партияси"нинг парламент сайловларида қатнашмаслик хабари тушунарсиз бўлиб қолмоқда, дейилади.

Шунингдек, ҳужжатда қатор сиёсий партиялар ва мамлакатда таниқли бўлган депутатликка номзодларнинг рўйхатга олинмагани ва ҳатто уларнинг айримлари устидан суд текширувлари бошлаб юборилгани таъкидланган. Айни пайтда етти номзод устидан суд жараёни бошланган. ЕХҲТ вакиллигининг фикрича, воқеаларнинг бундай ривожланиши сайловчиларнинг "демократия"га бўлган ишончларининг сусайишига ва охир-оқибат сайлов жараёнининг ўтказилмаслигига олиб келиши мумкин.

Нега шундай бўлмоқда?

Республикада мамлакат парламентига сайловлар тобора яқинлашгани сайин сиёсий курашлар авжига чиқмоқда. Ушбу сайловларнинг муҳим жиҳати шундаки, шу йили Қирғизистон Республикаси президентлигига ҳам сайлов бўлиб ўтади. Асқар Акаевнинг президентлик сайловида қатнашиш ёки қатнашмаслиги айнан 20 февралда бўладиган сайловларга боғлиқ. Чунки Жоқарғи Кенешнинг депутатлигига кимлар сайланиши кўп нарсани ҳал этади.

Шунинг учун давлат раҳбари "ўз" курсисини сақлаб қолишга астойдил киришгани тобора аниқ бўлиб қолмоқда. Депутатликка номзодларнинг "сараланиши", уларнинг сиёсий "ўйин"дан четлаштирилиши бунинг яққол далилидир. Мисоллар келтириб, партиялар, депутатликка номзодларни номма-ном санаганимиз билан газетамиз муштарийлари барибир уларни танимайдилар. Шу ўринда Қирғизистон социалистик партия сиёсий кенгаши раиси Омурбек Текебаев берган баёнотидан парча келтирамиз. У киши айтадики, республикамизнинг бор-йўғи 20 фоиз аҳолисигина сиёсий партияларнинг фаолияти тўғрисида умумий тушунчага эга...

"Демократик Қирғизистон" партияси лидери Турсунбой Бакировнинг "Интерфакс" мухбири билан бўлган суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз. Партия раҳбари айтадики, парламент депутатлигига номзодим кўрсатилгач, қатор адолатсизликларга дуч келдим. Республика маҳаллий маъмурият вакиллари ҳукумат партиялари ёки ўзларига тегишли бўлган номзодларга тўлиқ шароитлар яратиб беришганини кўрдим.

Бакир уули кузги Боткен воқеалари орқали бутун дунёга таниш бўлиб қолган. Муштарийларнинг ёдида бўлса керак, ул жаноб ўша саросимали воқеаларнинг "қаҳрамони"га айланган эди. Террорчилар билан музокараларда "мардлик" намойиш қилганди. Аслида-чи, террорчилар ҳар кимни ҳам ўзларига яқинлаштирмасдилар. Ўша таҳликали бир пайтда одамлар бир-бирига шубҳа билан қарашарди, у ўғрими-тўғрими билиб бўлмас эди. Т.Бакиров эса террорчилар билан кўп музокаралар олиб борди, улар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди.

Синалмаган отнинг сиртидан ўтмагин, дейди донишмандлар. Т.Бакиров террорчилар билан синашта бўлмаганида уни ўзларига яқинлаштирармидилар? Кўр кўрни қоронғида топади. "Қаҳрамонимиз" ҳаракатларида ваҳҳобийлик аломатлари бор экан, у террорчилар билан тез тил топишди.

Т.Бакиров, шунингдек, Қирғизистон президенти ҳузуридаги инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия раиси ҳамдир. Бугун у яна сиёсий саҳнада. А.Акаевнинг энг ишончли одамларидан. Сайловларнинг ҳалол ўтиши халқаро ва жамоат ташкилотлари, депутатликка номзодлар вакилларининг амалий ҳаракатларига боғлиқ, деб айтади у.

У киши қандай амалий ҳаракатларни назарда тутаяпти? Бугун Қирғизистонда сайловолди кампаниясида олиб борилаётган "демократик ўйинлар"ними?.. Тўғрисини айтганда, ҳеч нарсага тушунмадик.

Дарвоқе, Қирғизистондаги сайловларни халқаро, жамоат ташкилотларидан беш минг, шунингдек партия блоклари, депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларининг кузатувчилари кузатиб борадилар. Депутатликка эса бор-йўғи 60 киши сайланади?!

"Интерфакс" агентлигининг тарқатган хабарига кўра, ўтган шанба куни Бишкекдаги ҳукумат уйи яқинида "Ҳалол ва эркин сайловлар учун" шиори остида митинг бўлиб ўтди. Унда "Қирғизистон демократик ҳаракат партияси"нинг 150 нафар тарафдорлари ҳокимиятдан сайлов жараёнига аралашмасликларини талаб қилдилар.

"Ана шу усулда кўчага чиқиб ўз конституцион ҳуқуқларимизни талаб этишдан ўзга чорамиз қолмади", деди партия лидери Жипар Жекшеев. Яна у: "Ўз ҳуқуқларимизни суд орқали тиклашга ва шу муносабат билан халқаро ташкилотлар, хусусан ЕХҲТдан ёрдам сўрашга мажбур бўламиз", деб таъкидлади.

Ундай бўлса, Қирғизистон давлати раҳбарининг "бизнинг мамлакат демократия ороли" деб кўкрак кериши қаёққа кетади?!

Охир-оқибат сайловларнинг натижалари қирғиз халқининг иродасига, уларнинг фаоллиги-ю амалдаги ҳаракатларига боғлиқ. Биз ҳам сайловларнинг "демократия ороли"да ҳақиқий демократияга хос, эркин, ошкора тарзда ўтишини талаб қоламиз.

АЖАБО!

**Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр ўзин одамларга яқин тутиш ниятида Лондон метросига тушибди. Буни қарангки, ёнгинасида турган аёл Бош вазирига қайрилиб қарагиси ҳам келмабди.**

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

# САЪДУЛЛО ЖЎРАБОЕВНИНГ ТАҚДИРИ

## душманга айланган санъаткор

Саъдулло Жўрабоев ким?

С.Жўрабоев 1900 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. Уни Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусиқали ва драма театри асосчиларидан бири, режиссёр сифатида яхши биладилар. Болалигидан халқ томошаларига қизиққан С.Жўрабоев кейинчалик ҳаваскорлик труппаларида актёр сифатида қатнашиб юрди. Аста-секин ўзи ҳам асарлар саҳналаштира бошлади. У саҳнага қўйган асарлар йигирмадан ортади. Булар орасида "Маликаи Турандот", "Қосимовчилар", "Тарих тилга кирди", "Рустам", "Гулсара", "Икки коммунист", "Боғбон қиз", "Исён", "Аршин мол олон" кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. У 1924-1928 йилларда Озарбойжоннинг Боку шаҳридаги театр институтини тугатган илк ўзбек гуруҳи таркибида бор эди. Ўн бир кишидан иборат гуруҳ аъзолари орасида машҳур санъаткоримиз Ҳалима Носирова ҳам бўлган. Ўқишни тугатиб, Ҳамид Олимжон номидаги театрда бадиий раҳбар ва режиссёр сифатида иш бошлаган С.Жўрабоев Фитрат, Маннон Уйғур ғояларига таяниб, ўзбек халқининг бой ўтмишини, бебаҳо миллий қадриятларини тарғиб қила бошлади. Асосий эътиборини бой ўтмиш меросимизни, миллий дурдоналаримизни саҳна орқали ёритишга қаратди. Шубҳасиз, унинг бу каби ҳатти-ҳаракатлари тоталитар тузум тарафдорларига ёқмади ва Саъдулло Жўрабоев шўро ҳукуматига қарши ташвиқотда айбланиб, 1942 йил 22 август куни саккиз йилга сургун қилинди. Яна беш йилгача барча фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилди. Ўша даврдаги ўзига ўхшаган миллатпарвар юртдошларимиз каби совуқ кишан азобларини тортди, уқубатлар ичида юрт соғинчи билан яшади.



Архив фотоси

Ниҳоят, умрининг гуллаган даврини зах ертўла, қамоқхоналарда ўтказган С.Жўрабоев 1950 йил қамоқдан озод қилинди. Бироқ у ҳали беш йил давомида Ўзбекистоннинг катта шаҳарларида, район марказларида ишлашдан маҳрум эди. Санъатни севган, ўз ишига фидойи бўлган С.Жўрабоев қўл қовуштириб ўтира олмади. Ўша йилдан бошлаб Мирзачўл ва Жиззахдаги колхоз-совхоз театрларида бадиий раҳбар, бош режиссёр сифатида узоқ йиллар фаолият кўрсатди. Ўзининг самарали меҳнати билан чекка жойларда театр санъатини ривожлантиришга, миллий театримиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. 1956 йили Сталин режимининг адолатсизликлари фош этилганидан сўнг Саъдулло Жўрабоев ҳам, ноҳақ жабрланганлар қатори, оқланди. Албатта, қамоқда ўтган йиллар, тортилган жабр-ситамлар ўз ишини қилди. С.Жўрабоевнинг соғлиғига путур етди. Лекин умрининг охиригача санъатдан айрилмади.

Етмиш уч ёшида оламдан ўтган санъаткорнинг умри ва ижоди изсиз кетмади. Отасининг санъатдаги ишини ўғли Баҳодир Жўрабоев давом эттирди. Агар отаси драма театри равнақига катта ҳисса қўшган бўлса, ўғли Ўзбекистон учун янги бўлган балет санъатини ривожлантиришга ижодини бағишлади. Баҳодир Жўрабоев Ленинграддаги А.Ваганова номидаги академик классик рақс мактабини тугатган ягона ўзбек йигитидир. Ўқишни тугатиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида фаолият кўрсатган Баҳодир бу ерда саҳнага қўйилган кўплаб спектаклларда асосий образларни яратди. "Боқчасарой фонтани", "Жизел", "Оққуш кўли" балетларида беқиёс истеъдоди, юксак маҳоратини намоён этди. "Лайли ва Мажнун" фильм-балетида яратган Мажнун образи учун Италияда (Венеция) ўтган кинофестивалда совринга сазовор бўлди. 1994 йили худди шу шаҳарда ўтган кинофестивалда Кумуш Шер мукофотини қўлга киритди.

Баҳодир ака отасини шундай эслади: "Биласизми, отам қамалганларида мен ҳали гўдак эдим. Очиғи, у кишини қамоқдан қайтганларидагина таниганман. Унгача фақат расмлардан билардим. Албатта, суратларда отам келишган, барваста, чиройли қиёфада эди. Қайтганларида эса у кишини бутунлай бошқа қиёфада кўрганман. Сибирдаги беҳаловат, ватандан жудоликда кечган ҳаёт ўз ишини қилганди. Менинг тасаввуримдаги гўзал бир инсон сургундан ҳам жисмоний, ҳам маънавий мажруҳ бўлиб қайтганди. Бу шўролар тузумининг тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келган сиёсати натижаси эди. Яъни, қанчадан-қанча соғлом, бақувват, оқил одамлар майиб-мажруҳликка маҳкум этилдилар. Қайтмаганлари қанча?

Ҳозир, ўзимнинг ёшим ҳам анчага бориб қолган бир пайтда бундай ўйлаб қарасам, отам ниҳоятда сабр-тоқатли, чидамли одам бўлган эканлар.

Айниқса, у кишининг миллат учун, унинг равнақи учун қилган жонфидоликлари менга куч-қувват бериб туради. Зеро, ҳар биримиз яшар эканмиз, ўзимиз мансуб бўлган миллатнинг бир зарраси эканимизни доимо ёдимизда сақлашимиз керак. Ана шунда ота-боболаримиз руҳини шод этган бўламиз".

Ҳа, Саъдулло Жўрабоев ўзи санъатимиз равнақига улкан ҳисса қўшиш билан бирга, миллий балет-санъатимизни чет элларда ҳам муносиб тақдим этишга қодир бўлган истеъдодли ўғлонни вояга етказди. Ўзбекистон халқ артистлари Асрор Жўраев, Рустам Мансуров, Зайнаб Содиқова, Кифоят Муслимова, Мусо Муқимов каби шогирдлари устозлари ишини муносиб давом эттирдилар. Шунинг ўзиёқ бу одамнинг чеккан заҳматлари, азиятлари беиз кетмаганидан далолат бериб турибди. Баҳодир аканинг қизи Зарина машҳур санъаткор Ботир Зокировнинг ўғли Бахтиёр Зокировга турмушга чиққан. Уларнинг фарзандлари Азим Зокиров коллежда билим олади. Яъни у ҳам санъат кишиси. Демак, С.Жўрабоев орзу қилиб, улгуролмаган ишларни ўғли, невaралари давом эттирмоқдалар.

Самарқандликлар эса вилоятда миллий театрнинг шаклланишига асос солган, уни профессионал даражага кўтарган катта актёр ва режиссёр Саъдулло Жўрабоев хотирасини дилларида эъзозлаб келмоқдалар. Устоз санъаткорнинг қабрига Ҳ.Олимжон номидаги театр жамоаси томонидан қўйилган ёдгорлик лавҳасига шундай сўзлар битилган: "Самарқанд ўзбек театрининг асосчиларидан бири, йирик санъат арбоби, режиссёр Саъдулло Жўрабоев".

Гулчеҳра УМАРОВА

МУТОЛАА

# ЁЛҒИЗ ОДАМНИНГ ИҚРОРНОМАСИ

## Бировнинг ёрдамига муҳтожлик бошқалар билан дўстлашишга мажбур қилади.

*"Ўзбекистонлик ўқувчилар орасида яхши таниш бўлмаган ҳайратларга лойиқ мўъжизавий рассомлардан бири Шавкат Абдусаломов..."*

*"Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари" журналининг 1999 йил 1—2-сонида эълон қилинган мақола ва суҳбатдан олинган ушбу гаплар кўпчиликда, хусусан, тасвирий санъат мухлислари ва зиёлиларда қизиқиш уйғотиши табиий.*

Шавкат Абдусаломов ким? У қандай рассом? Унинг мўъжизакорлиги ва ҳайратларга лойиқлиги нимада?

Ушбу саволларга жавоб тариқасида мазкур журналда эълон қилинган санъатшунос Ирина Богославская ва Шавкат Абдусаломов суҳбатидан парчаларни "Ҳуррият" газетхонлари эътиборига ҳавола қиламиз.

Шавкат Абдусаломов - 1938 йили Тошкентда туғилган. Живописчи рассом, театр ва кино рассоми, актёр, адабиётчи. 1967 йилдан халқаро кўргазмаларнинг доимий иштирокчиси. "Агония" (режиссёр Э.Климов), "Триптик", "Телехронитель" (режиссёр А.Ҳамроев), "Армон" (режиссёр М.Абзалов), "Рустам ҳақида достон", "Сиёвуш ҳақида достон" (режиссёр Б.Кимёгаров), "Амадей" (режиссёр М.Форман) фильмларида рассом.

"Дарбадарлар" романи муаллифи.

**- Шавкат, болаликда дўстларингиз бўлганми? Ҳозир-чи? Умуман, дўст тутинишга муносабатингиз қандай?**

- Дўст. Башарти дўстим бўлганида ҳозир қийналмасдан эслаган бўлар эдим. Болалар уйида ўртоқларим кўп эди, дўстлашиб кетганларим ҳам йўқ эмас. Мабодо дўстлашган бўлсак ҳам бизни бир нарса – бирор егулик топиш истаги бирлаштирган. Гала-гала бўлиб қанд заводига ўғирликка тушиб, лавлаги ўмарар эдик.

Ўртоқларимдан биттаси ачитқи ҳовузига чўкиб кетгани кўз ўнгимда. Биз сим тўр деворнинг нарига томонида эдик, унга ёрдам қилолмаганмиз. Исимизни олган қоровул етиб келиб уни қутқаришга эмас, бизни қувишга тушган. Жуфтакни ростлаганмиз...

Қийинчилик бизларни бирлаштирар эди. Шундай пайтларда дўстлашган бўлсак бордир.

Мелания Ивановнага ярим тутинган ўғил эдим (Чунки ўзимни туққан онам ҳаёт эди, фақат у мени ўгай отамнинг назаридан йироқроқ тутиш мақсадида гоҳ у, гоҳ бу болалар уйига жойлаштирар эди). "Бирор мақсадга эришиш учун астойдил киришиш керак" деб мени йўлга солар эди. Менинг ёшимдаги мишиқилар турган-битгани бебош, мақсад-пақсаднинг фарқига бормас эдик. Рассомлик лаёқати бўлган одам ҳатто болалик кезлариданоқ бошқалардан ажралиб туриши лозим.

Мелания Ивановна Ткаченко украинка эди, уч тилда мукаммал гапирган. Петров-Водкинга шогирд тушган. Кейинчалик уни 10 йил муддатга сургун қилишди, қайтиб келгач эса пойтахтда яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, Қўқонга жўнатишди... ишламаслик шарти билан. Бир тақсимча шўрва эвазига болалар уйида расмдан дарс берарди. Унинг учун ҳаётда бундан бўлак таскин-тасалли, қувонч, мазмун-моҳият қолмаган эди. Унинг ғалати-ғалати қарашларини, ўгитларини бола бошимга тушунишга ҳаракат қилардим. Онгим-идрокимга сингиб кетган ўша ўгитлар ҳали-ҳали мени тарк этмаган.

"Ёлғиз қолган вақтингда – бир бутунсан, ўртоғинг билан бўлсанг – яримтасан" деб уқдирар эди. Яъни, ярмингни дўстингга раво кўрган ҳисобланасан. Яримта ақли билан қолган одам нимага ҳам ярайди? Шунинг учун ҳам ўзлигингни сақлаб қолишга ҳаракат қил, шунга эришгинки, токи, нафақат ҳаётга қарши туришга, балки ҳаёт қаршиликларидан ҳам юқори тура билгин, уларга юқоридан қарай олгин ва камолга эришиш йўлида шулардан тўла-тўкис фойдалана билгин. Эҳтимол, бу фикр ғирт худбинликка ўхшаб кетар, лекин ижодкор учун худбинлик ниҳоятда зарур нарса, зеро, қанчалик худбинлик қилиб ўзингга анча кўп нарса олсанг – шунчалик кўп нарса берасан. Қайтариш шарт. Шунда сенинг худбинлигинг вақтинча бўлади, ўзаро "шартнома"га асосланган худбинлик ҳисобланади.

Болалик тафаккури бундай мулоҳазаларни идрок этмаслиги, эслаб қолмаслиги аён, шунга қарамай эҳтимол айни шундай хаёллар туфайли болаликда дўстим бўлмаган.

Бировнинг ёрдамига муҳтожлик бошқалар билан дўстлашишга мажбур қилади. Узоқ вақт ёлғиз қолиш тўғри эмаслигини тушунаман, бироқ очиғини айтсам, мен бундай дўстликка муҳтож эмасман.

Дўстлашиш алмисоқдан қолган тушунча. Аллазамонлар инсоният бунингсиз яшай олмаган, эндиликда унга зарурат йўқ, бинобарин, дўстлашиш ўрнини таниш-билишчилик эгаллаган. Баъзан кўнгилдан чиқариб эмас, мулоҳазаларга бориб, зиёфатларга боришга тўғри келади, борасану, вақтинг беҳудадан-беҳудага совурилганидан ичинг ҳувиллаб, афсусланиб қайтасан, унинг ўрнига уйингда газет-пазет ўқиганинг, "зангори экран"га бақрайиб ўтирганинг маъқулроқдек туюлади.

Дўстлик – бадиий тўқима. Адабиёт дўстлар образи билан шу қадар тўлиб-тошганки, туриб-туриб бу, ўзимиз атайин ўйлаб топган тушунчадек, энди ундан сира-сира қутула олмаётгандек туюлади. Аслида ҳаёт бундай эмас-ку, бундай яшамаймиз-ку. Мабодо мазанг қочиб қолса, кимдир сенга зудлик билан дори келтириб берса, нима, шу – дўстликми? Йўқ, ўзаро ёрдам тушунчаси, холос. Мен ҳам бундай хизматга ҳамиша шайман, лекин буни дўстлик деб ҳисобламайман.

Сен билан кўришишни истайдиган одамлар бўлади, лекин сира ниятига етолмайди, мана шу – дўстликдир, ҳойнаҳой. Қазо вақтим етса, кимдир мени эслаб юраги ачишади. Шуни дўстлик деб аташ керакдир?..

Дўстлашиш – жуда жўн, ибтидоий тушунча. Ҳеч кимга оғир ботишини истамайман, лекин дўстлашишда оломонлик, пода аломати бор.

Оғир шароитларда бунга мажбурсан, албатта. Гарчи 1962 йилдан бери Андрей Тарковский билан дўст бўлсак-да, унинг бирорта дўсти йўқлигини биламан. У билан камдан-кам телефонлашар эдик, рўпара келиб қолсак худди боягина хайрлашган одамлардек тил топишиб, суҳбатимиз қизиб кетар эди. Жуда апоқ-чапоқлашиб кетган бўлмасак-да, у сен билан бир шаҳарда яшаётганидан мамнунлик туйғуси тарк этмас эди.

**- Шавкат, сизда катта таассурот қолдирган рассом, шоир, ёзувчи, санъат арбобларидан кимларни санаб ўтасиз?**

- Рўйхат жуда узун бўлади. Аввалига дуч келганини ўқиганман. Тургеневдан бошлаганман. Французлардан. Мелания Ивановна француз тилини мукаммал эгаллаган эди. Менга ҳам унча-бунча ўргатган. Шу аёл шарофати билан Пикассони эшитганман. Шишкинни билар эдим.

Болалар уйида энг ўқийдигани мен эдим. Директоримиз намуна сифатида кўрсатиб, "Мана, қараларинг, китобни севиб ўқийди" деб мени ҳамманинг орасида мақтаган. Бунинг шарофатига болалардан... роса калтак еганман.

Тошкентга, билим юртига келганимда Волковлар оиласи билан танишдим. Ўғли билан билим юртида ўқиганмиз. Мендан ёши катта, ҳарбийни ўтаб келган курсдошим бўларди. Гена Воронин. Яланғоч аёл расмини чизаман, деб уйланган. Хотинини минг бир қиёфада чизиб, кўз-кўз қилиб юрарди. Охири, хотини ажрашиб қутулди...

Ўша Воронин танланган асарларни бошдан охиригача ўқишга одатланган экан. Шу одат менга ҳам юқди. Унга эргашиб Р.Ролланни, кетидан Т.Драйзерни ўқиб чиқдим. Ўттизталаб китобни кутубхонадан олиб, битта қўймай ўқир эдик. Гена ўзи паканагина бўлса-да, кўп ўқигани учун ҳаммамиздан бўйдор одамдек керилиб юрарди.

Москвада, ВГИКда ўқиётганимда Марсел Прустни қўлга олдим. Кейин Жойс, кечирасиз, аввалроқ Хемингуэйни ўқиб туширганман.

Тошкентга келганимда филармонияга, операга бора бошладим.

Фолкнердан: "Қандай китобларни ўқийсиз?" деб сўрашганида, у: "Шекспирдан тортиб полиция ахборотномасигача ўқийвераман", деган. Мен ҳам дўконда ҳеч ким қўл урмайдиган китобни, луғатларни, пазандаликка доир адабиётларни олиб ўқишдан эринмайман.

Циркни севаман. Оскар Уайльд: "Оқил одамнинг сўнгги бошпанаси — цирк", деган. Мен одамларнинг нимагадир қодирлигидан ҳайратга тушаман.

Ҳар сафар кузда лоақал бир ҳафтага бўлса-да, Тошкентга келаман. Дарахтлардан шитирлаб учиб тушаётган япроқларга тикилишни, термилишни ёқтираман. Шу қабилда завқланиб, қувват йиғаман. Ўзимдаги туйғулар умрини узайтирган бўламан. Бунингсиз сира-сира иложи йўқ.

Хуш, бу нима? Адабиётми, поэзиями, тасвирий санъатми? Назаримда, уларнинг бари мужассам!

Хуллас, айтайми, одамлар билан мулоқот керак. "Битта ақл бошқасини озуқалантиради", дедим-ку! Нуқул ўзингнинг ақлинг билан озуқаланиб юролмайсан-ку...

Давоми бор

ҲУРРИЯТ МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА
Ўзингни англаб ет!
16 - 22 февраль
7 (160)-сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди —20.00
Буюртма —

*Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Teruvchi: ANORA

